

# ТАВРОТ, ИНЖИЛ, ҚУРЪОНИ КАРИМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

14:07 / 15.03.2017 38323

Морис Букай 1920 йил 19 июлда Франциянинг Бун Лифийк шаҳрида туғилди. 1945 йилдан Париж дорулфунунида табиб, 1952 йилдан эса жарроҳлик бўлими мудирлиги бўлиб ишлаб келмоқда. У бир қанча халқаро жамиятлар аъзоси ва қатор илмий-оммабоп асарлар муаллифидир. Доктор Морис Букай 1982 йилда мусулмонликни қабул қилган.

Ўз соҳасидаги шуҳрати марҳум қирол Файсал раҳматуллоҳи алайҳини унга бемор сифатида олиб келар экан, бунинг ўз фикрий ва диний қарашларини даво қиладиган Қуръони Карим билан танишишга васила бўлишини у қаердан ҳам билибди?

Қуръон таржималари ўзини тўла қониқтирмагач, уни тўғридан-тўғри Аллоҳ таоло нозил қилган тилда ўқиш учун араб тилини ўрганишга киришди.

**ФРАНЦИЯЛИК МУСУЛМОН ТАБИБ МОРИС БУКАЙ китобидан**

## ТАҲРИРИЯТДАН

Ғарбда Ислом ҳақида китоб ёзган олимларнинг динимизга шарқшунос сифатида "ташқаридан" қарашларига ўрганиб қолганмиз. Бундан ташқари, насроний миссионерларининг ҳам мусулмонлар билан қизиқишлари аксарият ҳолларда манфий кўринишларда зоҳир бўлган ва бўлаяпти. Насроний ғарбликларнинг Исломни ўз ҳолича танишлари учун ошиб ўтишлари қийин бўлган турли хил тўсиқлар бордир.

Тарихан насронийликнинг Исломга қарши ташвиқотлари, империализм каби сиёсий ва иқтисодий сабаблар, мусулмонларнинг турмуш тарзлари, жамоа ҳолида ва том маънода Исломни ҳаётга тадбиқ қилган биронта мамлакатнинг йўқлиги, ҳозирда мусулмонларнинг дунё тараққиётидаги таъсирининг озлиги, Ғарб давлатларининг технология соҳасидаги ютуқлари, шунингдек, шарқшуносларнинг, Ислом динини танитмоқчи бўлиб, ўзлари билмаган ҳолда таҳриф этишлари туфайли пайдо бўлган ва ҳ. к. тўсиқлар.

Фарангистоннинг машҳур табибларидан профессор Морис Букайнинг ана шу монотеистларга қарамасдан мусулмонларнинг, яна ҳам тўғрироғи, Аллоҳнинг муқаддас китоби-Қуръони Каримга мурожаат қилиши, илмий тажрибаларини динга тадбиқ қилган ҳолда, самовий китобларни диққат

билан таҳлил ва муқояса қилиши эътиборга лойиқдир. Муҳтарам доктор М. Букай, ўз тадқиқотларининг хулосаларини қўлингиздаги, франсузча асли "Таврот, Инжил, Қуръони Карим ва ҳозирги замон" деб номланган китобида жамлаган.

Биринчи марта 1978 йилнинг иккинчи ярмида нашр қилинган китоб, кутилганидан ҳам кўпроқ қизиқиш уйғотди ва 1978 йилнинг августигача олти марта чоп этилди. Фарангистондай ғайримуслим бир мамлакатда бу, албатта, ҳайратланарли бир ҳолдир. Нашриёт томонидан китобга ёзилган "Сўнг сўз"да, жумладан, қуйидагиларни ўқиш мумкин: "М. Букай, диний китобларни холисона таҳлил қилган ҳолда, ҳам эски Аҳд (Таврот) ҳамда Инжиллар ҳақидаги бутун тушунчаларни остин-устун қилиб ташлайди. Ана шундай қилиб, илоҳий ваҳийга оид бўлган қисми билан кейинчалик инсонлар томонидан илова қилинган уйдирма ва хатоларни бир-биридан ажратади. . . "

". . . асл касби жарроҳлик бўлган Букай, фақат баданларнигина эмас, балки руҳларни ҳам ўрганиш мумкин бўлган ҳодисаларни бошидан кечирди. Мусулмонларнинг диний ҳаёти ва мусулмон бўлмаганларнинг кўпчилиги беҳабар бўлган Исломнинг турли жиҳатларини ўрганиш жараёнида қаттиқ мутаассир бўлди. Бу соҳадаги билимларини янада ошириш учун араб тилини ўрганди ва Қуръони Каримни таҳлил қилди. Қуръонни таҳлил қилар экан, табиат ҳодисалари ҳақида, фақат табиат илмлари билангина изоҳлаш мумкин бўлган бир қанча мисолларни топгач, ҳайратланди. Шу билан бирга, ёлғиз Аллоҳга эътиқод қилган динларга оид Китоб матнларининг қанчалик тўғри-нотўғри эканлигини ўрганишга киришди, пировардида, Таврот ва Инжиллар билан замонавий билимнинг хулосаларини солиштириб кўрди. Яҳудийлик ва насронийликнинг муқаддас китоблари ҳамда Қуръон ҳақидаги бутун тадқиқотларининг хулосалари ушбу китобда жамулжамдир. " Қуръони Каримнинг ҳақиқат эканлигини илмий нуқтаи назардан тушунишни истамаганлар, балки ўзларича ҳақлидирлар. Уларнинг муносабатлари, "билим тасдиқламагунича Қуръонга ишонмаймиз" қабилида бўлади. Аслида, иймон масаласида билимнинг ҳакамлик қилишига биз ҳам қаршимиз. Чунки илмий хулосалар, баъзи ҳақиқатларни кашф қилганлигига қарамасдан, умумият-ла, жуда ҳам нисбийдир. Бу хулосалар, қанчалик ҳаққоний бўлмасин, барибир тадқиқотчининг қарашлари ва услубларига тобеъ бўлиб қолаверади. Қолаверса, ҳалигача кашф қилинмаган қанчадан-қанча ҳақиқатлар бор дунёда. Фақат Қуръоннинг ҳақиқатдан бошқа ҳеч нарса эмаслигини, ҳақиқий илмнинг Қуръоннинг бир тафсиригина бўла олишини ва Қуръоннинг қиёматга қадар келажак бутун инсонларга хитоб қилишини юзага чиқариш маъносида бўлсагина, илмий ҳақиқатларни Қуръонга

тадбиқ қилишнинг бир фойдаси бўлиши мумкин. (Масалан, "Токи уларга (ушбу Қуръон ростдан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган) Ҳақ (Китоб) эканлиги аниқ маълум бўлгунича албатта биз уларга атроф-офоқдаги ва ўз вужудларидаги (Бизнинг борлигимиз ва қудратимизга далолат қиладиган) оят-аломатларимизни кўрсатажакмиз" (Бу ва бундан кейинги оятлар Қуръони Каримнинг ўзбекча изоҳли таржимасидан олинган. А. Мансур, Тошкент, Чўлпон нашриёти, 1992. ) ояти каримаси ҳам (Фуссилат сураси, 53-оят) фикримизнинг далилидир) Чунки "билимнинг динни пучга чиқарганлиги" ҳақидаги иддаолар шу йўл билангина пучга чиқарилиши мумкин. Билимларнинг, янги наслларни инкорга олиб борадиган шаклда ўргатилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, исломий таблиғ нуқтаи назаридан ҳам, бу усулнинг фойдалари беқиёсдир. Бу китобдаги маълумотларни қисман бошқа китобларда ҳам учратиш мумкин. Фақат насроний тарбиясини олган, ғарблик бир олим томонидан холисона ёзилганлиги учун ҳам мазкур асар қимматли ва нодирдир. Узоқ вақт давомида тиббиёт факултатининг жарроҳлик бўлимида деканлик қилган жаноб М. Букайнинг ўзи Ислом динини қабул қилган. Ҳозир ҳам жарроҳлик касби билан машғул. Китоб Сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

## **МУҚАДДИМА**

Аллоҳнинг ягоналигига ишонган уч диндан ҳар бирининг ўзига хос бир муқаддас китоби бордир. Бу китоблар, яҳудий, насроний, мусулмон – ким бўлишидан қатъий назар, ҳар мўъмин иймонининг асосини ташкил этади. Муқаддас китоблар, бу динларнинг ҳаммасига кўра, илоҳий ваҳийнинг моддий шаклда қайд этилишидан иборатдир. Ваҳий, илоҳий буйруқларни бевосита Аллоҳнинг ўзидан олган Иброҳим алайҳиссалом билан Мусо алайҳиссаломга тўғридан-тўғри воқеъ бўлгандир. Исо алайҳиссалом билан Муҳаммад алайҳиссаломга эса ваҳий восита ёрдамида келган. Исо алайҳиссалом Рабби номидан сўзлаганлигини билдирган, Муҳаммад алайҳиссалом эса, малак Жаброил воситаси ила нозил қилинган ваҳийни инсонларга етказгандир.

Динлар тарихини ҳаққоний, бор бўй-басти билан тасаввур қила олиш учун ёзма Ваҳийнинг матнлари сифатида Эски Аҳд (Таврот)ни, Инжиллар ҳамда Қуръонни бир вақтда мутолаа қилиш керак бўлади. Бироқ мусулмонлар томонидан қабул қилинган бу одат, афсуски, бизнинг ғарб мамлакатларида йўқ. Яҳудий-насоний қарашларининг таъсирига тушган ғарбликлар, Қуръоннинг Ваҳий эканлигини инкор қиладилар. Иймонли бир жамиятнинг Муқаддас Китоблар масаласида бошқа жамиятларга нисбатан

муносабати бундай қарашларнинг сабабларини тушунтириб бериши мумкин. Илоҳий китоб сифатида яҳудийликда ибронийча Муқаддас Китоб бордир. Бу китоб насронийларнинг қўлидаги Эски Аҳддан фарқлидир. Насронийлар ибронийча матнда бўлмаган баъзи китобларни ҳам илова қилишган. Амалда бу нарса, иймон масаласида катта фарқ келтириб чиқармайди. Шунга қарамай, яҳудийлик ўзидан кейин келган барча ваҳийларни инкор қилади. Насронийлик ҳам баъзи иловалар қўшган ҳолда ибронийча Муқаддас Китобни қабул қилади. Бироқ инсонларга Исо алайҳиссаломнинг рисоласини тарғиб қилиш учун ёйилган матнларнинг ҳаммасини қабул қилмайди. Насроний Черкови, Исо пайғамбарнинг ҳаёти ва таълимотлари ҳақида узундан-узоқ ҳикоя қилган бир қанча китоб устида жиддий тасниф ишларини амалга оширгандир. Насронийлик, Янги Аҳдга расмий тўрт Инжилдан ташқари ҳеч нарса илова қилган эмас. Бу дин ҳам Исо алайҳиссалом ва унинг ҳаворийларидан кейин воқеъ бўлган биронта Ваҳийни тан олмайди. Бу билан у Қуръонни ҳам бир четга суриб қўяди. Исо пайғамбардан олти аср кейин келган Қуръон ваҳйи, ҳам ибронийча Тавротда ҳамда Инжилларда хабар қилинган бир қанча нарсаларни такрорлайди. Қуръонда "Таврот" ва "Инжил" номлари тез-тез зикр қилинади. Тавротдан: Муқаддас Китобнинг илк беш китоби, яъни Мусо алайҳиссаломга оид эканлиги айтилган Тақвин, Чиқиш, Лавимийлар, Сонлар ва Тасния китоблари (Муаллиф). Қуръон ҳар бир мусулмонга ўзидан олдинги китобларга иймон келтиришни фарз қилиб қўяди (4-сура, 136-оят). У, Ваҳий тарихида Аллоҳнинг расуллари тутган ўрин ҳақида жуда кўп тўхталади. Нух алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом, Набийлар ва уларнинг орасида алоҳида мавқеъ берилган Исо алайҳиссалом, ана шу пайғамбарлар жумласидандир. Исо алайҳиссаломнинг туғилиши, Инжилларда бўлгани каби Қуръонда ҳам ғайритабиий бир ҳодиса сифатида билдирилади. Бу Китоб, Марямга алоҳида ўрин ажратади. 19-суранинг унинг исми билан аталганлиги ҳам шунинг далили эмасми?. . Ислом ҳақидаги ана шу сўнги маълумотлардан, бизнинг ғарб мамлакатларида, умуман олганда, ҳеч кимнинг хабари йўқ. Асрлар давомида уларнинг, инсониятнинг диний масалаларини ўрганиш тарзлари ҳамда Исломга оид ҳар соҳада саводсиз қолдирилганликлари ҳисобга олинганда, бунга ажабланмаслик керак. "Муҳаммадий дин" ёки "Муҳаммадийлар" қабилидаги атамаларнинг бугунгача ишлатилиб келинаётганлиги инсонлар зеҳнига қуйидагича янглиш тасаввурни қуйиш учун эмасмидир: "Ислом демак – Насронийларнинг Тангриси билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган киши томонидан ёйилган бир қатор инончлар демакдир".

Зиёли ва маданиятли замондошларимиздан бир қанчаси Ислом Ваҳйи

ҳақида мушоҳада қилиш ўрнига, Ислоннинг фалсафий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари билан қизиқишмоқда. Инсонларнинг диққатини Қуръондан чалғитиш учун, Муҳаммад алайҳиссаломнинг, ўзидан олдинги пайғамбарларнинг китобларидан фойдаланганлиги ҳақидаги иддаолар, мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилдиришга уринилмоқда. Баъзи насроний жамиятларида мусулмонлар хўрланмоқда. Шу мавзуга бағишланган Таврот ҳикоялари билан Қуръон қиссаларини солиштириб, таҳлил қилиш асносида бир нарсага гувоҳ бўлдим. Қуръоннинг бу масаладаги таълимотлари хусусида насронийлар, ақалли, фикр юритишдан ҳам қочадилар. Баъзилари бўлса, буни кўр-кўрона инкор қиладилар. Қуръонга мурожаат қилиш, улар учун худди шайтонга сиғинишдай гап! Шунга қарамай, бугунги кунда, насроний дунёсида катта ўзгаришларнинг бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Ватикандаги Насроний бўлмаганлар билан шуғулланувчи Косибиятнинг "Насронийлар билан мусулмонлар ўртасида алоқа ўрнатиш учун тавсиялар" номли китоби (учинчи нашри 1970 йилда босилди), расмий қарашларда жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганлигини кўрсатди. Унда, жумладан, насронийларни Ислон ҳақида тўқиб чиқарилган янглиш ҳукм ва хулосалар, шунингдек, эскидан қолган нотўғри тасаввурлардан воз кечишга чақирилади. Ватикан Баёнотида, бундан ташқари, "Насроний тарбияси кўрган ғарбнинг, мусулмонлар наздида ўзини айбдор қилган ўтмишдаги адолатсизликларини эътироф қилиши керак"лиги таъкидланади.

Китобда насронийларнинг Ислон ҳақидаги "оғир, шаклбоз, мутаассиб" ва ҳ. к. қабалидаги қарашлари танқид қилинади, ёлғиз Аллоҳга иймон келтирилганлигига алоҳида урғу берилади. 1969 йилда Кардинал Коэнигнинг Ал-Азҳар Университетида қилган маърузасида ана шулар ҳақида гапирганидан кейин тингловчиларнинг қанчалик ҳайратга тушганликлари айтилади. Китобда, шунингдек, 1967 йилда "ҳақиқий диний моҳиятга эга бўлган" Рамазон рўзасининг тугаши муносабати билан Ватикан Котибиясининг насронийларни мусулмонларни табриклашга чақирганлиги эслатиб ўтилади. Папалик билан Ислонни бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган бундай тадбирлардан кейин баъзи алоқалар ҳам ўрнатилди бошлади. Бироқ матбуот ҳамда оммавий ахборот воситаларининг бефарқлиги туфайли ғарб дунёсида содир бўлган бундай муҳим воқеалардан жуда озчилик хабар топди. Бинобарин, Ватикандаги Насроний бўлмаганлар билан шуғулланувчи Котибиятнинг раиси кардинал Пигденолининг 1974 йил, 24 апрелда Саудия Арабистонига қилган ташрифи ҳамда Қирол Файсал билан бўлган учрашувини газетлар етарли даражада ёритмади.

Ле Монде газети, ўзининг 1974 йил, 25 сонида бу ташриф ҳақида бир неча

сатрлик ахборотдан бошқа ҳеч нарса бермаган эди. Шу билан бирга Кардиналнинг Папа Павел VI номидан Қиролга топширган мактуби алоҳида аҳамият касб этар эди. Зеро, бу мактубида Папа, "Ислом дунёсининг энг олий зоти унвони билан Файсалга мурожаат қилиб, ягона Аллоҳга қуллик қилган Ислом ва Насроний дунёларининг бирлигига бўлган ишончини ифодалаган, Қиролни чин дилдан қутлаган эди. 1974 йилнинг октябрида Папа, Саудия Арабистонининг Улуғ Уламо Ҳайъатини Ватиканда расман қабул қилди. Бу зиёрат, "Исломда инсоннинг маданий ҳақлари" мавзусида, насронийлар билан мусулмонлар орасидаги бир учрашувга сабаб бўлди. Ватиканда чиқадиган Оссервасур Романо, ўзининг 1974 йил 26 октябр сонидан бу тарихий воқеага биринчи саҳифадан жой берди. Газетада бу воқеа ҳақида берилган мақоланинг ҳажми ўша куни Римда йиғилган Бош епископлар Синоди нинг ёпилиш кунига бағишланган мақола ҳажмидан катта эди. Арабистоннинг Улуғ Уламо Ҳайъати кейинроқ Женевадаги Черков алоқалар Қўмитаси билан Стратбург бош епископи Мгр. Элчингер томонидан қабул қилинди. Бош епископ ўз қароргоҳида уламоларга пешин намозини адо этишни таклиф қилди. Бу ҳодисанинг билдирилишидан шундай хулоса келиб чиқадикки, масаланинг диний моҳиятидан кўра кўпроқ уни кўз-кўз қилишга эътибор берилган.

Бу воқеа ҳақида мен кўпгина шахсларга мурожаат қилдим. Афсуски, уларнинг жуда оз қисми воқеаларнинг асл моҳиятини англаб етганликларининг гувоҳи бўлдим. Шахсан ўзининг "Айни Тангрига сиғинган Ислом ва Насроний дунёсининг бирлигига иймон келтирган ҳолда, ишга киришганлиги"ни ифода этган Папа Павел VI нинг Исломга яқинлашиши, шубҳасиз, икки дин ўртасидаги муносабатларда тарихий бир босқични ташкил этади. Католик Черкови бошлиғининг, мусулмонлар ҳақидаги тасаввурларини эслатиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Зеро, юқорида келтирилган Ватикан Баёнотидан ҳам маълум бўладикки, очиқдан-очиқ душманлик туйғуси билан тарбияланган насронийларнинг кўпчилиги Ислом билан боғлиқ ҳар қандай ижобий тушунчани ўзларига сингдиrolмайдилар. Шунинг учун ҳам Исломнинг ҳақиқатларидан беҳабар қолаверадилар. Исломий Ваҳий ҳақида эса, бутунлай нотўғри тасаввурга эгадирлар.

Менимча, Тангрининг бирлигига иймон келтирган бир диндаги у ёки бу масалага мурожаат қилганда, худди шу масалада қолган икки диннинг билдирган фикрларини солиштириб, ундан кейингинахулоса чиқариш тўғрироқ бўлур эди. У ёки бу масалани алоҳида-алоҳида таҳлил қилгандан кўра, ҳаммасини бирга таҳлил қилиш мақсадга мувофиқроқдир. Муқаддас Китоблардаги баъзи масалаларни XX асрнинг илмий кашфиётлари билан солиштириб кўриш, истисносиз, ҳар уч динни ҳам қамраб олади.

Қолаверса, асримизда материализм балоси ҳар учала динга ҳам бирдайхавфсолиб турганлиги учун улар бир-бирлари билан янада жипслашиб, янада мустаҳкамроқ бир блок ташкил қилишлари керак эмасми? Дин билан билимнинг бирлашмаслиги ҳақидаги иддаолар яҳудий-насроний эътиқоди ҳукмронбўлган ўлкаларда бўлгани каби баъзи ислом ўлкаларида ҳам, хусусан, илмий давраларда ҳимоя қилинаёпти. Бу мавзуниатрофлича таҳлил қилиш учун жуда кўп китобларга мурожаат қилиш керак бўлади. Мен фақат мавзунинг бир жиҳатигатўхталишни истайман. У ҳам бўлса, Муқаддас Китобларнинг замонавий илмий кашфиётлар нуқтаи назаридан таҳлилқилиниши. Бу ғоя эса, жуда ҳам муҳим бўлган бир масалани ўртага ташлашни тақозо этади. Бугун бизнинг қўлимиздамавжуд бўлган матнлар қанчалик тўғри, асл нусхаларига қанчалик мувофиқ? Буни ўрганиш учун матнларнингёзувгакўчирилиши ҳамда уларнинг бугунга қадар етиб келишини таъминлаган шарт-шароитларни кўздан кечиришкерак. Муқаддас Китобларнинг матн танқиди нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши бизда яқин замонлардабошланди. Муқаддас Китобни, яъни Эски ва Янги Аҳдни, иймон келтирган инсонлар, асрлар давомида ўз ҳолича қабулқилишбилан кифояланганлар. Уларни ўқиган инсонлар, нари борса, улардаги фикрларни ҳимоя қилиш учунгина таҳлилга эҳтиёж сезишар эди. Улар ҳақида бирон-бир шубҳага бориш, танқид қилиш улуғ гуноҳ ҳисобланар эди. Бу китоблар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлиш имтиёзи фақат дин одамларигагина берилган эди. Дин одами бўлмаган насронийларнинг кўпчилиги эса, фақатгина ойин маросимида ёки ваъз жараёнида ўқилиши керак бўлган парчаларнигина билардилар, холос. Мустақил бир билим соҳасига айланган матн танқиди илми туфайли, бир қанча муҳим муаммолар ўртага чиқарилиб, уларнинг ечимларини топишга муваффақ бўлинди. Бироқ танқидчи зеҳнияти билан ёзилган шундай асарлар ҳам борки, уларни ўқиган одамнинг ҳафсаласи пир бўлмай, иложи йўқ. Чунки, бундай асарлар, ҳақиқий тафсирнинг машаққатларидан қочиб, муаллифнинг нўноқликларини ниқоблаш учун қилинган уринишлардан бошқа ҳеч нарса эмасдир. Бундай ҳолатларда ўзининг тафаккур кучи ва холислигини сақлаб қолган кишининг назарида англашилмовчилик ва зиддиятлар йўқолмайди. Мантиқни асосий меъзон қилиб олиб, Муқаддас Китобнинг хатолар билан кирланган баъзи матнларини қўллаб-қувватлаб, ҳақли эканлигини исботлашга қаратилган услуб олдида, таассуф қилишдан бошқа иложимиз йўқ. Бундай услуб, баъзи ақлли кимсаларнинг Аллоҳга бўлган инончларини задалаши мумкин. Шу билан бирга, тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи кишилар бундай бўшлиқларни кашф қилишга уста бўлсалар ҳам, насронийларнинг кўпчилиги бу бўшлиқлардан ҳамда энг оддий илмий кашфиётлар билан

дин ўртасида мавжуд бўлган зиддиятлардан ҳам хабарсиз яшамоқдалар. Ислом динида, хусусан, ҳадисларда Инжиллардагига яқин фикрларга дуч келамиз. Ҳадислар Муҳаммад алайҳиссалом сўзларининг мажмуасидир ва у қилган ишларнинг нақлидан иборатдир. Инжиллар ҳам Исо алайҳиссалом ҳақида. Бундан бошқа ҳеч нарса эмас. Илк ҳадис мажмуалари Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотидан кейинги илк ўн йилликлар ичида ёзилгандир. Худди Инжилларнинг Исо алайҳиссаломнинг ўлимидан кейинги илк ўн йилликларда ёзилгани каби. Ҳар икки ҳолда ҳам кечмиш воқеалар ҳақида инсонларнинг берган шоҳидликлари асосий меъзондир. Кўпчилик ўйлаганидек, расмий тўрт Инжил, матнда номлари зикр этилган кишилар томонидан ёзилган эмас. Бу нарса энг тўғри ҳадис китобларига ҳам тааллуқдир. Муқояса шу нарсага асосланиши керак. Баъзи ҳадисларнинг тўғрилиқ даражасининг тортишилганлиги ва хали ҳозирда ҳам тортишилаётганлигини айтишимиз мумкин. Ҳолбуки, насронийликнинг илк даврларида сонсиз-саноксиз Инжиллар орасида бор-йўғи тўрттасининг расмий ва жоиз эканлиги ҳақидаги тўхтамга келинган эди. Ваҳоланки, бир қанча масалада, бу тўрт Инжил ҳам бир-бирига зид эди. Черков тўрт Инжилдан бошқа Инжилларнинг сир тутилишини амр этган эди, уларга берилган Апокриф (Аросуҗе – сахиҳ бўлмаган, сохта)сифати ҳам шундан келиб чиққан. Насронийлик билан Ислом орасида Муқаддас Китоблар нуқтаи назаридан яна бир асосий фарқ, насронийликда ваҳий қилинган, ўша заҳотиёқ тасдиқланган матн бўлмагани ҳолда, Исломнинг бу талабга жавоб берган Қуръонга молик бўлишидир. Қуръон, малак Жаброил воситасида Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилиниб, ўша ондаёқ ёзувга кўчирилган, ёд олинган ва намозларда, хусусан, Рамазон ойида ўқилган Ваҳийнинг ифодасидир. Бу иш аслида Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотидан бир йил кейин, Халифа Абубакир даврида амалга оширилган, Халифа Усмон замонида эса, Қуръон китоб шаклида жаъм қилинган.

Қуръон шахсан Муҳаммад алайҳиссалом томонидан сураларга бўлинган ва Пайғамбарнинг вафотидан кейин 12-24-йиллар орасида Халифалик қилган Ҳазрати Усмон даврида тўпланиб, бугунги ҳолига келтирилган. Насронийликдаги Ваҳий эса, Исломдагининг акси бўлиб, кўпчилик насронийлар ўйлаганидан тамоман фарқли ўлароқ, билвосита нақл қилган бир гуруҳ инсонларнинг шоҳидликларига асосланган. Зеро, бизнинг қўлимизда Исо алайҳиссалом замонида яшаган одам томонидан берилган биронта маълумот йўқ. Насроний ва Ислом ваҳийларининг матнларнинг аслига уйғунлиқ даражаси ҳақида юқоридагилардан хулоса чиқариб олиш мумкин.

Муқаддас Китобларнинг матнларини, илмий кашфиётлар билан солиштириб кўриш масаласи ҳамма вақт энг муҳим масалалардан бири

бўлган. Авваллари, Муқаддас Китоблар билан замонавий билим натижаларини бир-бирлари билан таққослаш муҳим аҳамият касб этган. Бу қоидага Августиннинг 82 мактуби асос бўлган. Илмларнинг ривожланиб боришиэса Муқаддас Китоблар билан билим орасидаги зиддиятларнинг борлиги англашилиб, бунга ўхшаган ёндашишлардан воз кечилди. Шундай қилиб, эътироф этишимиз керакки, Муқаддас Китоб билан билим одамлари – олимлар орасида ихтилоф келтириб чиқарилди. Ҳақиқатан, илоҳий ваҳий мутлақо янглишлиги маълум бўлган бир хусусни билдирган, деб бўлмайди. Бу муаммони ечиш учун, илмий нуқтаи назардан қабул қилиш қийин бўлган Муқаддас Китоб пасаж (қисм)ларининг сохта эканлигини тан олишдан бошқа чорамиз йўқ. Бундай "мослаштириш" йўли маъқул кўрилмади. Аксинча, матннинг тугалланганлиги тушунчасида оёқ тираб туриб олинди. Бу эса, Муқаддас Китобнинг ҳақиқийлиги масаласида муфассирларни ғайриилмий нуқтаи назарда туришга мажбур қилди. Августиннинг Муқаддас Китобга ёндашгани каби, Ислом ҳам Муқаддас Китобнинг тафсилотлари билан илмий ҳақиқатлар ўртасида мутаносибликнинг бўлиши кераклигини ҳар доим диққат марказида тутган. Исломнинг ваҳий билан келган Китобининг замонавий услублар билан таҳлил қилиниши ҳам бу тутумни кўздан кечиришга имкон бермаган. Қуръон, илм-фан мурожаат қилган бир қанча мавзу ҳақида тўхталган. Булар Муқаддас Китобга нисбатан жуда ҳам кўпдир. Муқаддас Китобнинг, билимни кўзда тутишга имкон берган сўзларидаги қисқа ва чекланган ифода хусусияти билан, Қуръоннинг илмий аҳамият касб этган мавзуларининг ранг-баранглиги қиёслаб бўлмайдиган даражададир. Қуръон хабар берган воқеъликлардан ҳеч бири, илмий нуқтаи назардан ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайди. Бизнинг тадқиқотларимиздан келиб чиққан асосий хулоса шудир. Қуръон ваҳийдан четда қолган ҳадис китобларнинг ҳам алоҳида масала эканлигини кейинроқ кўриб чиқамиз. Зеро, баъзи ҳадисларни илмий нуқтаи назардан қабул қилиш қийин. Бундай ҳадисларнинг баъзи ўринларида бирон асосга таянмаганликлари эса, Қуръоннинг ҳамма вақт билимга ва ақлга мурожаат қилишни буюрган хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, жиддий тадқиқотлар натижасидаюзага чиқарилган. Муқаддас китобдаги у ёки бу сўзнинг илмий нуқтаи назардан қабул қилиш мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган хусусияти ҳақидаги бу тушунчалар бир нарсани алоҳида таъкидлашни тақозо қилади. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, бу ерда билимнинг кашфиётлари ҳақида гапирилар экан, унинг қатъий ва узил-кесил тасдиқлаган ҳақиқатлари назарда тутилмоқда. Бу мулоҳаза, маълум бир давр учун, маълум ҳодисани тушунтиришда фойдали бўлгани ҳолда, кейинчалик ўз қимматини йўқотган ва яна ҳам илмийроқ қарашларга ўрнини бўшатиб берган назарияларга тегишли

эмасдир. Мен фақатгина ҳамма замонлар учун тўғри бўлган ҳақиқатларни кўзда тутаяпман. Бу илмий ҳақиқатлар орасида, билимнинг тугалланган кашфиётлари ҳам ўрин олаётган бўлса ҳам улар маълум маънода исботланган ҳақиқатлардир. Масалан, инсоннинг яратилиш тарихи тахминан бўлса ҳам маълум эмас; фақат насроний тақвимининг бошидан (милоддан )энг кам ўн минг йил олдинги даврга тегишли эканлигига шубҳа қилинмаган ва инсонларга оид бўлган нарсалар топилгандир. Қолаверса, Муқаддас Китобнинг Тақвин бобининг, инсоният ибтидосини (Одам Алайҳиссаломнинг яратилишини) Исо алайҳиссаломдан 37 аср олдин деб белгилаган тарихга ва шажарага оид маълумотлари илмий тахминларга тамоман зиддир. Билим, келажакда балки ҳозирги тахминларимиздан ҳам қадимийроқ бўлган тарихларни юзага чиқариши мумкин. Фақат унинг 1975 йилда, яҳудий тақвимининг олдинга сургани каби, инсон изларининг Ер юзида биринчи марта 5736 йил муқаддам кўрилганлигини исбот қилолмаслигини айтишимиз мумкин; шу ҳолда Муқаддас Китобдаги инсониятнинг ёшига алоқадор маълумотлар нотўғридир. Илмий кашфиётлар билан қилинган бу муқояса, том маънода диний бўлган масалаларни четлаб ўтмоқда. Масалан, Аллоҳнинг ўзини Мусо алайҳиссаломга ошкор этганлигини ёхуд Исо алайҳиссаломнинг отасиз дунёга келишидаги сир-асрорни билим изохлаб беролмади. Қолаверса, бундай воқеалар ҳақида Муқаддас Китобларда ҳеч қандай изох берилмаган. Бу таҳлил (бир қанча изохлар билан) Муқаддас Китобларнинг турли хил табиий ҳодисалар хусусида бизга берган маълумотларини ўз ичига олади. Бу ўринда, айти мавзуларда, қолган икки ваҳийга нисбатан Қуръон ваҳийининг, мавзуларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан бойлигини ҳам назарда тутиб, муқояса қилиш керак бўлади. Қуръон матнининг замонавий илм-фан кашфиётлари билан уйғунлик даражасини ўрганар экан, олдиндан ҳукм чиқармасдан, холислик билан, энг аввал Қуръонга мурожаат қилдим. Баъзи маол (таржима)лари орқали ҳодисалари ҳақида сўз юритганлигидан хабардор эдим, бироқ Қуръоннинг бу жиҳатини етарли даражада билмас эдим. Фақатгина Қуръоннинг арабча матнини атрофлича таҳлил қилгандан кейингина, калаванинг учини топишга муяссар бўлдим. Бунинг натижаси ўлароқ, Қуръоннинг ҳозирги замонда илмий нуқтаи назардан танқид қилиниши мумкин бўлган бирон-бир жиҳатининг йўқ эканини тан олиш мажбуриятида қолдим. Худди шундай холислик билан Эски Аҳд ва Инжиллар устида ҳам таҳлил ишларини олиб бордим. Эски Аҳднинг таҳлилида, унинг биринчи қисми бўлган Тақвин бобидан нарига ўтишимнинг ҳожати қолмади. Зеро, бугунги илм-фан хулосаларига зид бўлган хусусларни шу қисмнинг ўзидаёқ истаганча топиш мумкин эди. Инжилларни очганимизда, илк саҳифада жой олган Исо

алайҳиссаломнинг шажараси биланоқ, жиддий бир чалкашликнинг ичига кириб қолганлигимизни ҳис қиламиз. Зеро, Матта берган маълумотлар билан Луканинг маълумотлари бир-бирига мос келмайди. Бундан ташқари, Луканинг инсоният тарихига оид берган маълумотлари замонавий билимнинг хулосаларига тамоман зиддир. Бу зиддият ва хатоларнинг мавжудлиги, менимча, Аллоҳга иймон келтиришга халақит бермайди. Жавобгарлик ҳар бир инсоннинг ўзига оиддир. Чунки асл матнларнинг ҳақиқий аҳволи, уйдирмаларнинг неча фоиз экани, инсонлар томонидан қасддан ўзгартирилган қисмларнинг миқдори бизга маълум эмас. Бугун бизни ларзага солаётган нарса шудир: бунинг каби зиддиятлар ва илм-фан томонидан исботланган ҳақиқатларга мос келмайдиган ҳолатлар қаршисида, бу матнларни таҳлил қилган мутахассислар, баъзан қасддан кўриб-кўрмаганга олганлар, баъзи ҳолларда эса, бу номутаносибликлар ҳақида сўз юритганлари ҳолда, қаердаги мужмал мантиқлар билан уларнинг устини пардалашга ҳаракат қилганлар.

Матта ва Юханна Инжиллари ҳақида сўз юритар экан, баъзи буюк муфассирлар қўллаган ана шундай услублардан мисоллар келтираман. Бу хатоликларнинг, ёки бироз одоб ва камтарлик билан "машаққатлар" деб аталган зиддиятларнинг шу йўл билан ҳаспўшлашга уринилиши жуда ҳам муваффақият билан амалга оширилгандир. Насронийларнинг, Эски Аҳд ҳамда Инжиллардаги қарама-қаршиликларни билмасликларининг сабаби ҳам шу. Китобимизнинг биринчи ва иккинчи қисмларида бунинг яққол мисоллари билан танишамиз. Ўқувчимиз, китобнинг учинчи қисмида билимнинг, бир илоҳий китобга ақл бовар қилмайдиган даражада уйғунлигини кўражак; бугунгача муаммо, деб келинган, ҳатто англашилмас ҳисобланган баъзи Қуръон оятларининг, замонавий илм-фан хулосалари билан изоҳланишига шоҳид бўлажакдир. Ислом назарида дин билан билимнинг эгизак сифати талқин қилинганлиги эътиборга олинса, бунинг ҳайратланадиган жойи йўқ. Илмий тараққиёт азалдан Ислом динининг илоҳий амрларидан бири ҳисобланади. Бу амрнинг бажарилиши, Ислом маданиятининг юксалиш даврида, фавқулодда бир илмий тараққиётга сабаб бўлгандирки, хусусан, ғарбда, Уйғониш (Ренессанс) дан аввал бу манбаъдан истифода қилинган. Қуръоннинг, бугунга қадар англашилмаган ёки нотўғри талқин қилинган баъзи оятларининг, илмий тараққиёт жараёнида изоҳланиши, бугун, Муқаддас Китоблар билан билимнинг солиштирилишида янги бир саҳифа очилганлигидан далолат бермоқда.

## **1. УМУМИЙ ҚАРАШ**

Эски Аҳднинг муаллифи ким? Аксарият кишилар бу саволга жавоб сифатида қўлларидаги Муқаддас Китобларининг "Кириш қисм"ида берилган маълумотларни такрорлайдилар; яъни, бу китобнинг Рухул қуддус томонидан илҳомга мазҳар бўлган инсонларнинг қўли билан ёзилган бўлиши билан бирга, айти пайтда унинг ҳақиқий муаллифи Тангри эканлигини айтадилар.

Муқаддас Китоб ҳақида маълумот берган ёзувчи ўз ўқувчисига ё ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмайдиган шундай қисқа ҳукм билан кифояланади, ёхуд бу ҳукмни билдиргандан кейин ўқувчининг кўзини очиш учун асл матнга, инсонлар томонидан баъзи тафсилотлар қўшилган бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Фақат шу билан бирга, мунозарали хусусларнинг, умумий "ҳақиқат"ни ўзгартира олмаслигини таъкидламоқчи бўлади. Черков авторитети бу "ҳақиқат"ни ҳимоя қилади.

Бу мавзуларда насронийларга тушунтириш ишларини олиб боришга қодир бўлган ягона ташкилот - Черков авторитетининг эса, Рухул қуддус муҳофазаси остида эканлиги қабул этилади. Черков, IV асрдан буён мўътабар Муқаддас Китобларнинг рўйхатини эълон қилган ва Канон деб аталган бу рўйхат Флоренс (1441), Тренте (1546) ва Ватикан-I (1870) томонидан эътироф этилган. Папаликнинг бир қанча фатволаридан кейин энг охириги консил - Ватикан-II консили ҳам уч йил (1962-65) олиб борган ишларининг натижаси сифатида ваҳий масаласида муҳим бир матнни эълон қилган. Муқаддас Китоб ўқувчиларининг аксарият қисми, унинг янги нашрларининг орасида ана шу тасалли берувчи маълумотларни топиш билан кифояланади, у ҳақда тортишишни хаёлига ҳам келтирмайди. Дин одамлари томонидан ёзилиб, кенг халқ оммасига мўлжалланмаган асарларда ҳам ушбу китоблар ҳақидаги ихтилофлар жуда ҳам жиддий эканлигидан далолат беради.

Мисол учун Муқаддас Китобнинг франсузча таржимасига қараладиган бўлса, бутунлай бошқача манзара кўзга ташланади. Янги Аҳдга ўхшаб, Эски Аҳдда ҳам шарҳ ёзилганлар томонидан яширилмаган, муаммо ва эътирозларга сабаб бўлгувчи унсурларнинг борлиги маълум бўлади. Имкон қадар холислик билан ёндашилган айрим таҳлилларда ҳам баъзи очиқ-ойдин маълумотларни топишимиз мумкин. Профессор Эдмонд Якобнинг "Эски Аҳд" китоби ана шундай маънабалардан биридир. Бу китоб, бизга мукамал уммий маълумотларни беради. Эдмонд Якобнинг ҳам таъкидлаб ўтгани каби, кўпчилик ўқувчилар бошида битта эмас, бир нечта матннинг бўлганлигидан беҳабардирлар. Милоддан олдинги III асрларда камида уч хил ибронийча Муқаддас Китоб матни бор эди.

"Массоретик"матни, ундан қисман таржима қилинган юнонча матн ҳамда Самирия Тавротини. Агар қўлимизда матннинг ҳар уч шакли ҳам бўлганида

эди, солиштириб кўриш имкони туғилар ва балки асл матннинг қандай эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлар эди. Бироқ, афсуски, бу ҳақда ҳеч нарса билмаймиз. Насронийликдан олдинги бир даврдан қолган Қумрон ғоридаги қувурлар, классик матндан фарқли бўлган, милоддан кейинги II асрга оид "ўн амр"ни ўз ичига олган бир папирус - (Нил соҳилларида ўсадиган бир гул) ва милоддан кейинги V асрга тегишли баъзи парчаларни ҳисобга олмаганда, Муқаддас Китобнинг бизга маълум бўлган энг эски ибронийча матни милоддан кейинги IX асрга тааллуқлидир. Септанте матни юнон тилига қилинган илк таржима бўлиши мумкин. Милоддан олдинги III асрга тегишли бўлган бу таржима, Искандария яҳудийлари томонидан қилинган. Янги Аҳд муаллифлари ҳам кейинчалик шу матнни асос қилиб оладилар. Бу матн милоддан олдинги VII асргача ягона авторитет сифатида қабул қилиниб келинади. Насроний оламида умумият-ла қўлланилган асосий юнонча матнлар, Ватиканда "Кодекс Ватиканус" ҳамда Лондон "Бритш Музеум"да "Кодекс Синаитикус" номлари остида муҳофаза қилинган ёзмалар бўлиб, ҳар иккиси ҳам милоддан кейинги IV асрга тегишлидир. Ст. Яром, милоддан кейинги V-асрнинг бошида, ибронийча матнларга асосланиб, лотинча бир матн яратган. Бу нусха, кейинчалик, VII асрда дунёнинг ҳар тарафига ёйилиб кетганидан кейин "Вулгейт" "Вулгейт" - бу сўз лотинчада "ёйилган нусха" маъносини англатади. Номи билан атала бошланади. Шу ўринда арамча ҳамда сурёнийча таржималарни ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Бу таржималар, мутахассисларга, мавжуд матнларни бир-бирига солиштириб, "ўрта матн" яратиш имконини берган. Ибронийча, юнонча, латинча, сурёнийча, арамча ва ҳатто арабча матнлар ҳам ёнма-ён жойлаштирилган мажмуалар тайёрланган. Уэлтоннинг машҳур "Библия"си (Лондон - 1657) ана шундай мажмуалардан биридир. Фикримизни тугаллаш учун шуни ҳам илова қилмоқчимизки, турли насроний черковларининг Муқаддас Китоб ҳақидаги тасаввурлари турлича бўлганидан, улар қабул қилган китоблар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бу черковлар, бугунгача битта тилдаги у ёки бу таржима ҳақида, бир хил фикрга эга эмаслар. Яъни битта тилда гаплашадиган турли хил мазҳабдан бўлган инсонлар, айти таржимани эмас, мазҳабларидан келиб чиқиб қилинган бошқа-бошқа таржималарни ўқийдилар. Бир қанча католик ва протестант мутахассислари томонидан қилинган ва тугалланиш арафасида турган окуменик таржималардан муштарак бир матн дунёга келса, ажаб эмас. Шундай қилиб, Эски Аҳд матнида, инсонлар томонидан қўшиб-чатилган нарсалар ниҳоятда кўп. Бир нусхадан бошқа бир нусхага, бир таржимадан иккинчи бир таржимага воқеъ бўлган хатоликлар, икки минг йилдан кўпроқ бир давр мобайнида, асл матннинг қанчалик бузилганлигини кўрсатади.

## МУҚАДДАС КИТОБНИНГ МАНБАЪИ

Муқаддас Китоб, китоблар мажмуаси ҳолига келмасидан аввал, фикрларнинг нақли учун зарурий бир унсур бўлган башар ҳофизасидан бошқа манбаъи бўлмаган бир халқ ривояти эди. Ва бу ривоят мақом билан ўқиларди. Э. Якобнинг ёзганидай: "Ҳар миллат ўз тарихининг бошланғич саҳифасида мақом билан бир нарсалар сўйлайди. Бошқа ерларда бўлгани сингари Исроилда ҳам насрдан аввал назм – шеър бор эди. Тарихий шарт-шароитлар уларни умидсизлик чоҳига отиб юборганида, ҳиссиётининг энг олий нуқтасига юксалган, назарида ҳамма нарсанинг бир маъноси бўлганидан, оғир кунларни бошидан кечирган Исроил, ўз мақомларига кўп оҳанглиликни сингдириб юборгандир". Э. Якоб, Муқаддас Китобдан ўрин олган парчалар билан бирга, уларнинг нима муносабат билан куйланганлигини ҳам тартиб билан санаб ўтади: меҳмондорчилик қўшиқлари, ҳосилот қўшиқлари, ҳамроҳлик қўшиқлари (машҳур "Қудуқлар" қўшиғи каби – 21, 17). "Нашидалар нашидаси"да бўлганидек тўй қўшиқлари, марсиялар, Муқаддас Китобда кўплаб учрайдиган жанг қўшиқлари. Бевосита Яхванинг ўзи олиб борган бир муқаддас жангнинг охирида, Исроилнинг Яхва бошчилигидаги зафарини олқишлаган "Деборах нашидаси"да (Ҳақимлар – 5, 1-32) шулардан биридир: Аҳд сандиғи ҳаракатга келганда Мусо дердики: "Тур ўрнингдан, Яхва, турки, душманларинг тарқалсин! Сендан нафратланганлар сенинг юзингни кўрганлари заҳоти қочсинлар!" Пайғамбарларнинг Аллоҳ томонидан масъул қилинганларидан кейин инсонларга етказган буйруқлари, бу саҳифаларда ҳали ҳам масаллар ва ваъжизалар Важиза – Ким томонидан ёзилганлиги маълум, қисқа аммо катта бир мазмунни англатувчи сўзлар, нақллар. (Таржимон) (Масаллар Китоби, тарихий китоблардаги ваъжиза ва масаллар ) дуо ёки баъддуо, шунингдек, қонунлар кўринишидадир. Э. Якобнинг таъкидлашича, бу сўзлар ё оила аъъаналари воситаси билан ёки ибодатхоналар орқали Аллоҳ "танлаб олган миллат" тарихининг ривоятлари шаклида оғиздан -оғизга ўтиб келарди. Ётамнинг "Масал"ида бўлганидек, (Ҳақимлар, 9, 7-21) ривоят кўп ўтмай масал ҳолига келган. Бу масалда, "дарахтлар ўзларига подшоҳ тайинлаш учун йўлга чиқадилар ва навбати билан зайтун дарахтига, анжир дарахтига ҳамда узумга хитоб қиладилар. " Бу эса, Э. Якобга ". . . уйдирмачилик билан ишга тушган ривоят, тарихи яхши маълум бўлмаган мавзулар ва даврлар ҳақидаўйланиб ўтирмади" деб ёзиш ҳамда қуйидагича хулоса чиқариш имконини беради: "Эски Аҳднинг Ҳазрати Мусо ва ундан олдинги пайғамбарлар ҳақидаги ҳикоялари, воқеаларнинг тарихий жараёнига

яқинлашяпти, холос. Ривоятларнинг оғзаки босқичидаёқ ровийлар, уларнинг орасидаги воқеаларни бир-бирига боғлаш учун хаёлот унсуридан фойдаланганлар; шу йўл билан дунёнинг ва инсониятнинг ибтидосида юз берган воқеаларни, танқидий кўз билан қарайдиганлар учун эҳтимол саналиши мумкин бўлган бир тарих сифатида тақдим қила олганлар”.

Яҳудий миллатининг Канъонга келиб, жойлашишидан кейин, яъни миллоддан олдинги XIII асрнинг охирларида, анъаналарни муҳофаза қилиш ва давом эттириш мақсадида, ёзувдан фойдаланилганлигини тахмин қилиш мумкин. Бироқ бу ишга саришталик билан ёндашилмас эди. Диний ҳукмлардан, ҳатто ёзилиши ҳам Аллоҳга нисбат берилган "Ўн амр", Эски Аҳдда, икки ривоятда нақл қилинади: "Чиқиш" (20, 1-21) ва "Тасния" (5, 1-30). Ҳар икки ривоят бир хил руҳда ёзилган бўлса-да, бир-биридан фарқ қилади. Муқовалар, мактублар, шахс исмлари (ҳакимлар, шаҳарлардаги олий рутбали маъмурлар, шажара рўйхатлари), тақдима рўйхатлари, ғанимат рўйхатлари. Шундай қилиб, бизнинг қўлимиздаги китобларга асос бўлиб хизмат қилган асарларнинг ёзилиб қолдирилишини таъминлаган манбаълар юзага келди. Ҳар китобда турли хил адабий жанрларнинг қоришмаси пайдо бўлди. Бу "Қоришма"ларнинг тўпланиб, тартибга келтирилиш сабабларини ўрганиш эса мутахассисларнинг зиммасига тушади.

Бошида оғзаки ривоятга асосланган ва Эски Аҳддан иборат бўлган бу номутаносибликлар билан тўла китобнинг таркиб топишини, ибтидоий адабиётнинг туғилиши жараёнида, турли муҳит ва турли замонларда учратиш мумкин бўлган ҳолатлар билан солиштириб кўриш қизиқарли бўлса керак.

Мисол сифатида Франклар замонида, франсуз адабиётининг туғилишига назар ташлайлик. Аввал-бошда буюк воқеалар қайд этилган. Булар, аксарият насронийликни муҳофаза қилиш учун олиб борилган жанглар, кейинги асрларда халқ шоирлари, воқеанавислар ва замондош тарихчилар томонидан ёзилган драмалардан иборатдир. Шундай қилиб, миллодий XI асрдан эътиборан, ҳақиқат билан афсона бир-бирига аралашиб кетган, бир қаҳрамонлик занжирининг илк ҳалқасини ҳосил қиладиган мардлик дostonлари туғилади. Буларнинг орасида энг машҳури” Чансон де Роланд”дир. Роман ҳолига келтирилган бу дostonда, Испания сафаридан қайтар экан, император Шарлманнинг қўмондони бўлган Роланд, буюк бир жанг воқеасида салобат билан қаршимизга чиқади. Роланднинг фидокорлиги ҳикоянинг бадиий талаби билан тўқиб чиқарилган бир сахна эмас. Бу воқеа тарихи 778 йил, 15 август, деб кўрсатилади. Ҳақиқатан ҳам, тоғлик Бескуларнинг ҳужум қилиш хавфи бор эди. Бу ўринда адабий асар афсонадан бошқа ҳеч нарса эмасдир; унинг тарихий бир асоси бўлса-да,

тарихчилар томонидан тан олинган эмас.

Муқаддас Китоб билан ғайридиний бир адабиёт ўртасидаги бундай параллеллик ҳақиқатга яқин кўринади. Бу параллеллик – Тангрининг фикрини қасддан рад этган бир қанча кишининг қилгани каби, қўлимиздаги Муқаддас Китоб матнини, бутунича афсонага чиқаришни мақсад қилиб олмаган.

Иймон келтирганлар учун яратилишнинг ҳақиқат эканлигига, Аллоҳ тамонидан Мусо а. сга "Ўн амр" берилганига, Сулаймон ас. даврларида Аллоҳнинг инсонлар ҳаётига таъсири ҳақида, ишонишларига ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Аксинча ёзмаривоятлар узоқ ўтмишда бўлиб ўтган ҳодисаларнинг акс этиши мумкин фақат, ривоятлар ёзувга кўчирилаётганида инсонлар томонидан ўзгартирилганлиги ҳисобга олиниб, тафсилотларни танқидий нуқтаи назардан қайтадан кўздан кечириш кераклигини асло эътибордан қочирмаслик керак.

## **II. ЭСКИ АҲДГА КИРГАН КИТОБЛАР**

Эски Аҳд бадийи ва ҳажм жиҳатдан турли шакл ҳамда кўринишларда бўлиб, оғзаки ривоятдан тортиб, тўққиз асрлик узун бир давр мобайнида, ҳар хил тилларда ёзилган асарларнинг куллиёти, демакдир. Бу асарларнинг кўпчилиги, баъзан бир-биридан жуда ҳам узоқ даврларда, воқеалар ёки баъзи бошқа заруратлардан келиб чиққан ҳолда тузатилган ва ниҳоясига етказилгандир.

Бундай бой бир адабиётнинг пайдо бўлиши, Исроил қироллигининг дастлабки йилларига, милоддан олдинги XI-асрларга тўғри келади. Бу давр қиролнинг атрофидаги бир гуруҳ зиёли кишилардан ташкил топган "котиблар" жамоасини етиштириб чиқарган бир давр эди. Олдинги бўлимда зикр қилинган ва ёзувга кўчирилса, фойдадан холи бўлмайдиган баъзи илк матнлар шу даврдан қолган бўлиши мумкин. Юқорида номлари тилга олинган баъзи "нашида"лар, Ҳазрати Яъқуб ва Ҳазрати Мусонинг Аллоҳдан нақл қилган сўзлари, шунингдек, "Ўн амр" ва умумият-ла, хали ҳуқуқий бир асос ташкил этмасдан туриб, диний анъана ҳолига келган буйруқ матнлари. Бу матнларнинг ҳаммаси Эски Аҳд китобларида у ёки бу ерга жойлаштирилган тарқоқ ҳолдаги парчаларни ташкил этади.

Ҳазрати Мусога нисбат берилган илк беш китобнинг асос унсурини ташкил қилувчи "Пентатуик"нинг Яхвиста бу матнда Тангри Яхва деб аталганлиги учун матнга ҳам Яхва номи берилган. Матнининг ёзилиш тарихи, тахминан, милоддан олдинги X-асрга тўғри келади. Кейинчалик бу матнга Элохист бу матнда Тангри Элоҳим деб аталганлиги учун матнга ҳам шу ном

берилган ва Сакардотел бу матн Қуддус ибодатхонасидаги руҳонийлар томонидан ҳикоя қилинган ривоятдир, деб аталган ривоятлар илова қилинади. Энг бошдаги Яхвиста матни ибтидо манзаралари ҳамда Ҳазрати Яъқубнинг ўлимига қадар бўлган ҳодисаларни ўз ичига олади. Милоддан олдинги IX-асрнинг охирида, VIII-асрнинг ўртасида Шимол Қироллигида (Исроилда) китоблари бизгача етиб келган Элие ҳамда Элисее билан бир набавий даъват тўлқини пайдо бўлади ҳамда кенг ёйилади. Бу, айти пайтда, "Пентатуик"нинг Яхвиста матнига кўра, яна ҳам қисқароқ бир даврини ўз ичига олган Элохист матни ёзилган даврдир. Элохист матни фақатгина Ҳазрати Иброҳим, Ҳз. Яъқуб ҳамда Ҳз. Юсуф билан боғлиқ воқеаларни қамраб олган. Бундан ташқари, "Ёшу" ва "Ҳақимлар" китоблари ҳам ана шу даврда ёзилган. Милоддан олдинги VIII-аср, "ёзувчи пайғамбарлар" асридир. Милоддан олдинги 721 -йилда Сабириенинг ишғол қилиниши билан Исроил қироллиги тугайди. Яхуда қироллиги, унинг диний меросига ворислик қилади. "Пентатуик"нинг Яхвиста ва Элохиста матнлари ягона китоб ҳолига келтирилади. "Провербес" мажмуаси шу даврдан қолган бўлиши мумкин; шундай қилиб, Таврот дунёга келади. Тасния китоби ҳам шу даврда ёзилган бўлса, ажаб эмас. Милоддан олдинги VII-асрнинг иккинчи ярмида Ёшиянинг салтанати, пайғамбар Ярема даъватининг бошланғич даврига тўғри келади. Бу пайғамбарнинг асари, орадан бир аср ўтгандан кейингина мукамал шаклга келади. М. о. 598-йилда воқеъ бўлган Бобил сургунида аввал Тсефеня, Наҳум ва Ҳабаккук даъватлари жой олган. Бу илк сургун асносида Хезекиэл ҳам ўзининг пайғамбарлик даъватини ёйган. Бундан кейин м. о. 587-йилда Қуддуснинг қўлдан кетиши, иккинчи сургуннинг бошланғичини ташкил этади ва бу сургун м. о. 538-йилга қадар давом этади. Охириги буюк пайғамбар ва сургун даврининг пайғамбари бўлмиш Хезекиэлнинг китоби унинг ўлимидан кейин, маънавий ворислари саналмиш котиблар томонидан ҳозирги ҳолатига келтирилган. Котиблар Тақвин китобининг Яратилишдан Ҳазрати Яъқубнинг вафотига қадар бўлган қисмини, учинчи бир ривоят тарзида қаламга оладилар. Улар ёзган бу матнлар сакардотел диндорлар томонидан ёзилган матндир.

Шундай қилиб, Тавротга асос солган ва Яхвиста ҳамда Элохистадан иборат бўлган икки матннинг орасига учинчи бир матн тиқиштирилади. Бу матннинг, ўзидан тўрт ва икки юз йил олдин ёзилган китобларда келтириб чиқарган чалкашликларининг яна бир жиҳатини олдинроқда кўрамиз. Ламентесион китоби ҳам ана шу даврларда пайдо бўлади.

Сируснинг амри билан, м. о. 538-йилда Бобил сургуни ниҳоясига етади. Яҳудийлар Фаластинга қайтадилар ва Қуддус ибодатхонаси янгидан бино қилинади. Нубувват тўлқини янгидан ёйила бошлади. Хаггай, Закариё,

учинчи Ишая, Малаки Даниэл ва Барукнинг (бу китоб юнон тилида ёзилган) китоблари, ана шу даврнинг маҳсулидир.

Сургундан кейинги давр, айтилган пайтда, Садесс (Ҳикмат) китоблари давридир. "Провербес" милоддан олдинги 480-йилларда ёзилади. Йоб (Айюб) китоби м. о. V-ўрталарида қаламга олинади. Эклесиастик ёки Сиракиде м. о. II-асрда ёзилган. "Сулаймоннинг ҳикматлари" китоби билан I ва II Меккебис китоблари, милоддан бир аср олдин ёзилган Рут, Эстер ва Юнуснинг китобларига ўхшаб, Тоби ва Жудийнинг китобларининг ҳам қачон ёзилганлигини айтиб бериш қийин. Бу маълумотларнинг ҳаммаси кейинчалик амалга оширилган тартиботларга боғлиқ равишда берилган; зеро, милоддан бор-йўғи юз йил олдин Эски Аҳд матнлари маълум бир шаклга келтирила бошланган ва кўпчилик мутахассисларга кўра, милоддан кейинги I-асрдагина ҳозирги ҳолатга келган.

Шундай қилиб, Эски Аҳд, ибтидодан насронийликнинг пайдо бўлишига қадар яҳудий миллатининг адабий ёдгорлиги сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Уни ташкил этган китоблар м. о. X-I - асрлар орасида қоғозга туширилган, тугалланган ёки кўздан кечирилгандир. Бу китобларнинг ёзилиши ҳақида берилган маълумотларнинг шахсий қарашларимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Юқорида келтирилган тарихий далиллар профессор С. Р. Сандрознинг "Энциклопеди универсалис" учун ёзган "Библе" ("Муқаддас Китоб") мақоласидан олинган. Эски Аҳднинг нима эканини англаб етиш учун мутахассислар томонидан мукамал равишда исботлаб берилган маълумотларни ёдда тутиш керак бўлади.

Бу китобларнинг ичида ваҳий ҳам бордир. Фақат, бугун бизнинг қўлимизда бўлганлари ўзлари яшаган тарихий шароит ва заруратлар тақозоси билан матнларга ўзгартишлар киритган инсонларнинг бизга қолдирган меросларидан иборатдир.

Бу холис маълумотлар, бугун кенг халқ оммасига мўлжаллаб ёзилаётган "Муқаддас Китобга кириш"лар билан солиштириб кўрилганда шу нарса маълум бўладики, воқеълик бу ерда бузиб кўрсатилади. Китобларнинг ёзрилиши тарихи билан боғлиқ воқеалар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди, ўқувчини ўйлантирадиган баъзи жиҳатлар четлаб ўтилади. Муқаддас Китобдаги "Сўзбоши" ҳамда "Кириш"ларнинг аксарият қисми ўқувчини чалғитади. Масалан, "Пентатуик"да (биринчи беш китоб) бўлгани каби, китобларнинг ҳаммаси янгидан қўлдан ўтказилган. Бу ҳақда эса, "баъзи тафсилотларнинг илова қилинганлиги" ҳақидаги изоҳ билан кифояланилади. Ҳар қандай китобнинг англашилмаган қисми ҳақида сўз юритилса-да, жиддий таҳлил ва мушоҳадани тақозо қиладиган муҳим масалаларга келганда, сукут сақланади. Муқаддас Китоб мавзусида, кенг халқ оммасига мўлжалланган адабиётларда бундай хато маълумотларнинг

берилганлигини кўриш жуда ҳам ачинарлидир.

## ТАВРОТ

Торах (Таврот) сомиychа бир номдир. Франсузчада "Пентатуик" деб аталадиган бу юнонча таъбир, беш қисмдан иборат бир асарни билдиради; Таквин, Чиқиш, Лавилийлар, Сонлар ва Тасния. Булар ўттиз тўққиз жуздан ташкил топган Эски Аҳднинг илк беш жузъини ташкил қилади.

Бу матнлар мажмуаси (беш китоб) дунёнинг ибтидосидан тортиб, яҳудийларнинг Мисрдан қувиб чиқарилганларидан кейин ваъда қилинган тупроқ (арзи мавъуд)– Канъонга келишларигача, яна ҳам аниқроғи, Мусо алайҳиссаломнинг вафотига қадар бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Фақат, воқеаларнинг ҳикояси, яҳудий миллатининг диний ва ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ҳодисаларни тушунтиришда бир қолип вазифасини ўтайди. "Шариат" ёки "Торах" сўзлари ҳам шундан келиб чиққан.

Яҳудийлик сингари насронийлик ҳам юз йиллар давомида, бу беш китоб муаллифининг Ҳазрати Мусонинг ўзи эканига ишониб келди. Эҳтимол, бу ишонч, Аллоҳнинг Мусо пайғамбарга билдирган мана бу сўзларини тасдиқлашдан келиб чиққан бўлса керак: "Буни (Амолакларнинг бузғунчилигини) хотира ўлароқ китобга ёзиб қўй" (Чиқиш, 17, 14). Ёхуд бу эътиқод Мисрдан чиқиш ҳақида "Ва Мусо, Раббининг амри билан уларнинг чиқишларини кўчишларига кўра ёзди. . .". (Тасния, 31, 9) каби жумлаларга асосланар эди. М. о. I-асрдан бери, бутун Тавротнинг Ҳазрати Мусо томонидан ёзилганлиги ҳақидаги фикр олдинга суриб келинади; Флавиус Жосеф, Филон де Александр сингари шахслар ана шу фикрни ҳимоя қилган кишилар жумласидандир.

Бугун бу иддаодан мутлақо воз кечилган; бу нуқтада ҳаммининг фикри бир хил. Бироқ шу билан бирга, Янги Аҳд буниҲазрати Мусога нисбат беради. Ҳақиқатан ҳам, "Римлмкларга мактуб"да (10, 5) Павел, Лавилийлардан иқтибос келтирган ҳолда дейдики:" чунки Мусо, шариатга тегишли салоҳни қилган одам у билан яшаяжакдир"(Лавилийлар, 18, 5) деб ёзади ва ҳ. к.

Юханна, ўз Инжилида (5, 46-47) Ҳазрати Исонинг тилидан шу жумлани келтиради: "Чунки, агар сиз Мусога иймон келтирганингизда эди, менга ҳам иймон келтирган бўлардингиз; У мен ҳақимда ёзган эди. Мусонинг ёзувларига ишонмабсизларми, менинг сўзларимга қандай ишонасизлар. Хозир эътиборимизда матнни эркин (ўзбошимча) таҳрир қилинганлигининг яққол мисоли чунки бу матнда юнонча episteute калимаси келган. Инжил муаллифи томонидан Исога нисбат берилган тамоман хато бир сўз бор.

Қуйидаги фикрларимиз бунинг исботидир. Биз бу маълумотларни М. П. де Вауксдан олдик. Бу зот Муқаддас Китоб Мактаби (L Ecol biblique de Jerusalem) мудирини бўлиб, 1962 йилда қилган Тақвин таржимасига "Кириш сўзи" ҳам ёзган. Бу "Кириш сўзи"да Тавротнинг муаллифи ҳақида Инжилларда берилган маълумотларни инкор қилувчи муҳим далиллар келтирилади. М. П. де Ваукс "Ҳазрати Исо билан ҳаворийлар амал қилган яҳудий анъанасининг" Ўрта асрларнинг охиригача давом этиб келганлигини эслатади. Бунга биринчи бўлиб қарши чиққан одам VII-асрда яшаган Абан Асро бўлган. Фақат XVI- асрдагина Карлстадт, Ҳазрати Мусонинг Тасния китобида (34, 5-12) ўз вафотини ёза олмаслигига эътиборни қаратди. Бундан ташқари, муаллиф, Тавротнинг , ақалли бир қисмининг ҳам Мусо пайғамбар томонидан ёзилмаганлигини айтади. Бу тўғрида, хусусан, Ричард Симоннинг Эски Аҳднинг танқидий тарихи китобига (1678) тўхталади. Р. Симоннинг мазкур асари, Тавротдаги хронологик чалкашликлар, такрорлар, ҳикояларнинг пойинтар-сойинтарлиги ҳамда услубдаги фарқларга эътиборимизни қаратади. Китоб жуда катта шов-шувга сабаб бўлди; Р. Симоннинг далил-исботларига ҳеч ким қулоқ солмади. XVIII-асрнинг бошларига оид тарих китобларининг, эски даврлар ҳақидаги лутфлари "Мусо ёзгандики. . ." деб бошланарди. Кўриб ўтилганидек, шахсан Ҳазрати Исонинг ҳам Янги Аҳдда қўллаб-қувватланганлиги эътироф этилган бир афсонага қарши курашишнинг қанчалар қийин бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Бу далилларни келтирганлиги учун Луис-ХVнинг табиби, Жан Астрикдан миннатдор бўлишимиз керак.

Бу табиб 1753 йилда "Тақвин китоби учун Мусонинг фойдаланганлиги маълум бўлган асл матнлар ҳақида тушунчалар" номли китобини эълон қилиб, манбаъларнинг кўплиги ҳақида тўхталади. Шубҳасиз, бу ҳақда биринчи бўлиб фикр юритган одам у эмас эди, фақат бу ҳолатни халққа тушунтириб беришга биринчи бўлиб у журъат қилди. Тавротда "ёнма-ён келтирилган матнларнинг бир қисмида Аллоҳ "Яхва", бир қисмида эса, "Элохим" сифатида тилга олинади. Ҳолбуки, Таврот икки манбаънинг бирлаштирилишидан пайдо бўлган эди. Эйчорн 1780-1783- йилларда худди шу ҳақиқатни алоҳида-алоҳида тўрт китоб ҳолида юзага чиқарди. Сўнгра Илген(1798), Астрик мустақил матн сифатида қараган матнлардан бирининг, яъни Аллоҳ "Элохим" номи билан тилга олинган матнни ҳам иккига ажратиш кераклигини таъкидлади. Таврот том маънода парчаланаётган эди. XIX-асрда манбаъларга эҳтиёткорлик билан ёндашилди. 1854 йилда, ниҳоят, тўрт манбаъ қабул қилинди. Бу тўрт манбаъга қуйидагича ном берилди: Яхвиста ҳужжат, Элохиста ҳужжат, Тасния ва Руҳонийлар матни.

Ҳатто уларнинг даврлари ҳам аниқланди:

1. Яхвиста ҳужжат. М. о. IX-аср. (Яҳудий диёрида ёзилган)
2. Элохиста ҳужжат. Яхвистага яқин бир даврда ёзилган. (Исроилда)
3. Тасния. Баъзиларнинг фикрича, (Э. Якоб)м. о. VIII -аср, бошқаларга кўра эса, (М. П. де Ваукс) Ёшия даврига оиддир.
4. Рухонийлар матни, сургун даври ёки сургундан кейинги даврга тегишли. (м. о. VI -аср)

Шундай қилиб, Таврот матни, орада уч асрлик бир фарқ билан дунёга келди. Бироқ, масаланинг моҳияти бундан ҳам чалкашроқдир. 1941 йилда А. Лудс Яхвиста ҳужжат да уч, Элохиста ҳужжат да тўрт, Таснияда олти, Рухонийлар матнида эса тўққизта бошқа-бошқа манбаъларнинг борлигини тушуниб етади. Бу ажратиш, М. П. де Ваукснинг ёзишича, "саккиз муаллифга тақсимланган иловаларни ҳисобга олмаган ҳолда" қилинапти. Яқин ўтмишда "Таврот асос ва ҳукмларининг аксарият қисмининг тахмин қилинган тарихлардан анча олдинги даврларга оид нусхалари топилганлиги" ва "Таврот ҳикояларининг кўпчилиги бу ҳужжатларнинг ёзилишига сабаб бўлган муҳитдан бошқачароқ, яна ҳам эскироқ бир муҳитни тақозо қилганлиги" ҳақида фикр юритила бошланди. Бу эса тадқиқотчиларни "ривоятларнинг пайдо бўлиш жараёнини ўрганишга ундаяпти. Ва бу ҳолда яна боши берк кўчага кириб қолганга ўхшаяпмиз. Манбаъларнинг кўпчилиги сонсиз-саноксиз номутаносиблик, такрорларни келтириб чиқараяпти. М. П. де Ваукс Яратилиш, Қобилнинг наслидан бўлганлар, Тўфон, Ҳазрати Юсуфнинг йўқотилиши ва Мисрда унинг бошидан ўтганлар, ягона шахс билан боғлиқ исмлардаги чалкашликлар, баъзи муҳим воқеаларнинг турлича ҳикоя қилиниши сингари ноаниқлик ва фарқли анъаналарга оид мисоллар келтиради. Шундай қилиб, Таврот котиблар томонидан, баъзан бир нарса илова қилиш, баъзан ҳикояларнинг ўрнини алмаштириш йўли билан яратилган бир асардир. Фақат бу ишни амалга ошириш жараёнида бир қанча чалкашликларга йўл қўйилган. Бу ҳолат, манбаъларни холисона таҳлил қилишга ундади. Матнга танқидий нуқтаи назар билан ёндашилганида шу нарса маълум бўладики, яҳудийлар тарихининг турли босқичларида, оғзаки ривоятларгаки аждодлардан мерос қолган ёзма матнларга инсонлар томонидан жуда кўп ўзгартишлар киритилган. М. П. де Ваукснинг ёзишича, Яхвиста ривоятига кўра, м. о. X ёки IX - асрларда, "Аллоҳ инсоният орасига бани Исроилни жойлаштириш" учун яҳудийларнинг тарихини ёзаётган эди. Таврот, м. о. VI-асрда тарих ва шажараларни қатъий қилиб белгилаш ғамига тушган рухонийлар матни билан аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Кейинги бўлимда рухонийлар матни ни ёзган муаллифларнинг инсон ибтидоси, замон ва макон масалаларида қандай хатоликларга йўл қўйганликларини кўраимиз. Бу хатоларнинг,

матнларнинг инсонлар томонидан ўзгартирилиши натижасида пайдо бўлганлиги, шубҳасиздир. М. П. де Ваукснинг фикрига кўра, "Бу анъананинг ҳақиқий маҳсули бўлган баъзи нодир ҳикоялар зоҳирий ҳукмларга берилишнинг қанчалик рол ўйнаганлигини кўрсатади: Яратилишнинг охирида, шанба куни Тангрининг истироҳат қилиши, Ҳазрати Нуҳ билан қилинган аҳд, Ҳз. Иброҳим билан қилинган аҳд, суннат бўлиш, Макпела Руҳонийлар матни Ҳазрати Иброҳимнинг Эфрондан (Қуддуснинг жанубида) бир шудгор ва бир ғорни 400 сикл (1 сикл – 11, 4 гр. олтин)га сотиб олганлиги ҳақида маълумот беради. Бу ривоятдан, аввал у ерда бегона саналган Ҳз. Иброҳим ва шунингдек, яҳудийларнинг кейинроқ мулк ҳуқуқига эга бўлганликларини тушуниш мумкин. Ғорининг сотиб олинишики – бу Исроилнинг оталарига Канъонда муқим яшаб қолиш ҳуқуқини бераяпти, – шулардандир. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш жоизки, "руҳонийлар матни", Бобил сурғунидан кейинги, яъни яҳудийлар янгидан Фаластинга ўрнашган даврга оиддир. Шунинг учун ҳам бу иловаларда диний масалаларга соф сиёсий масалалар аралаштирилган. Тақвин китобининг уч алоҳида манбаъдан ташкил топганлиги исботланган. М. П. де Ваукс, бу китобнинг таржимасига илова қилган изоҳларида, ҳозирги Тақвиннинг, қайси бўлимнинг қайси манбаъга тегишли эканини кўрсатади. Бу маълумотлардан фойдаланиб, у ёки бу бўлимга турли манбаълардан кириб қолган унсурларни аниқлаш мумкин. Масалан, Тақвин китобининг илк ўн бир бўлимини ташкил қилган Яратилиш, Тўфон ва тўфондан Ҳз. Иброҳимгача бўлган ҳикояларда Яхвиста ривоят билан Руҳонийлар матни нинг бир-бирига аралашиб кетганлигини кўриш мумкин. (Биринчи ўн бир бўлимда Элохиста ривоят йўқ). Яхвиста ривоят билан Руҳонийлар матни нинг бир-бирига аралашиб кетганлигини бу ерда очиқ-ойдин кўрса бўлади. Яратилиш ва Ҳз. Нуҳгача бўлган давр\* (биринчи беш бўлим) қуйидагича тартибланган: ҳикоянинг бошидан охиригача ҳар Яхвиста парчасидан кейин Руҳонийлар матнидан бир парча келтирилади. Фақат тўфон масаласида 7 ҳамда 8-бўлимларда, матннинг манбаъларга кўра тақсимланиши қисқа парчаларни битта жумлада ифода этадиган даражада соддалаштиришга имкон яратган. Франсузча матннинг юз сатрлик бир бобида ўн етти марта бир манбаъдан бошқа манбаъга ўтилади. Ҳикоядаги номутаносибликлар ҳам шундан келиб чиққан. (Қуйидаги жадвалга қаранг)

## **ТАҚВИН КИТОБИНИНГ 1-11- БЎЛИМЛАРИДАГИ ЯХВИСТА РИВОЯТЛАРИ. РУҲОНИЙЛАР МАТНИ НИНГ МАНБАЪЛАРГА**

## ТАҚСИМЛАНИШИ

Биринчи рақам бўлимни билдиради. Иккинчи рақам жумлаларнинг сонини кўрсатади, баъзан а ва б ҳарфлари билан иккига ажратилган ҳолда, жумланинг тартиб рақамини кўрсатади. Я ҳарфи – Яхвиста ривояти. С ҳарфи Секердотел ривояти. (Руҳонийлар матни ни) кўрсатади.

Масалан: жадвалдаги илк сатрнинг мазмуни қуйидагичадир; ҳозирги Тавротдаги биринчи бўлимнинг биринчи жумласидан иккинчи бўлимнинг 4а жумласигача бўлган қисм Руҳонийлар матни дан олингандир.

Бўлим,	Жумла,	Бўлим,	Жумла,
1	1	2	4а
2	46	4	26
5	1	5	32
6	1	6	8
6	9	6	22
7	1	7	5
7	6		
7	7	7	10
7	11		
7	12		
7	13	7	16а
7	166	7	17

7	18	7	21
7	22	7	23
7	24	8	2a
8	26		
8	3	8	5
8	6	8	12
8	13a		
8	136		
8	14	8	19
8	20	8	22
9	1	9	17
9	18	9	27
9	28	10	7
10	8	10	19
10	20	10	23
10	24	10	30
10	31	10	32

11

1

11

9

11

10

11

32

Бу жадвал, Тавротнинг инсонлар томонидан бузилганлигини очиқ-ойдин кўрсатди.

## ТАРИХИЙ КИТОБЛАР

Бу китобларда, яҳудийларнинг арзи мавъуд ("ваъда қилинган тупроқ")га киришди. Тахминларга кўра, м. о. XIII-аср) кейинги, м. о. VI-асрга, Бобил асоратига қадаш қилинган ҳақида ҳикоя қилинади. Буларда "илоҳий ваъда"нинг бажарилиши шакли "қавмиятчилик" деб аташ мумкин бўлган жиҳатга эътибор қаратилади. Мазкур ҳақиқатга амал қилинмайди: Ёшунинг китоби биринчи навбатда диний ақидаларни мавзуда, профессор Якоб, Ерихо ва Аунинг Ерихо, Лут кўлининг шимолида ва Қуддусда бўлган бир шаҳардир. Ёшу 5, 13-7, 26 га кўра, яҳудийларнинг Шарпа ирмоғини кешириш ва фатҳ қилган илк ерлари бўлса керак. Ау эса, Фаластинда, Байт-ал яқиндаги шаҳар Археологик маълумотларга кўра, бу шаҳар, яҳудийларнинг бу ерга келишларидан олдин бўлган бўлиб, Ёшу, 7-8-бўлимлардаги хабарларга зиддир. Аунинг бугунги номи Иерусалим қилинган бузғунчиликлари ҳақида, шунингдек, археологик кашфиётлар билан рақам-қаршиликка асосий эътиборни қаратади. Ҳақимлар китобида "танланган душманлардан ҳимоя қилиши ва Тангрининг мададига мазҳар бўлиши ҳикоя қилинади. Лефевре нинг "Крампон Тавротига кириш" асарида айтганидай, бу китоб (Ҳақимлар китоби) қўлдан ўтган ва бузилгандир. Бўрттирилган ифодалар ва қўшимчалар бунга гувоҳлик қилади. Исроил пайғамбарларидан бўлиб, исми зикр қилинган китоб Эски Аҳдда, Ҳақимлар китоби Ибронийча Эски Аҳдда эса, учинчи бўлимда (Котубим қисмида) жойлашган, ҳикоясига боғланади. Самуэл китоби билан Қироллар китоби, хусусан, Самуэл, Сулаймон билан боғлиқ ҳасби ҳол мажмуаларидир. Е. Якоб, шу нуқтаи назардан кўриш қанча хатолар борлигини аниқлаган. Битта воқеа ҳақида икки-уч хил ривоят бор. Элис, Элисее, Ишая ҳам бу китобларда ўз жойларини эгаллашган, бироқ уларда ҳам улар билан афсоналар бир-бирига аралашиб кетган. Фақат А. Лефаврега ўхшаган фикрича, бу китобларнинг тарихий асоси бордир. Хроникернинг сўзларига қараганда китоблари билан Азро ва Наҳамя китобларининг муаллифи м. о. IV-асрда яшаган ибтидодан ўзигачабўлган тарихга янгидан назар ташлайди. Бундан ташқари, у тузуш аксарияти Ҳз. Довудгачадир. Ҳақиқатан ҳам у, Самуэл ва Қироллар китобидан фойдаланиб кўр-кўрона нусха кўчиради". (Е. Якоб). Шу билан бирга, у археологик кашфиётларни маълумотларни ҳам илова қилади. Бу асарларда, тарихни диний эҳтиёжлар билан уринилган. Е. Якобнинг ёзишича, муаллиф, "баъзида динга асосланиб, тарих янги рақам фосиқ ва золим Манассенинг узоқ ва бахтиёр давр сурганлигини, унинг Ашурага асносида динга қайтганлигини тахмин қилади. (Тарихлар, 11, 33-11). Ҳолбуки, китобда ҳам, ундан ташқаридаги манбаъларда ҳам ҳеч нарса дейилмайди. Муаллиф китобларини ҳам кескин танқид қилади. Зеро, баъзи қоронғу жиҳатлари бор, қитобдан бошқа манбаъларнинг топилмаётганлиги сабабли у ҳақда ҳеч нарса мавжуд Жудид ва Эстер китоблари, тарихий китоблардир. Муаллифлар тарих олдида ҳеч қандай қилмайдилар. Шахс исмларининг ўзгартирилиши, воқеаларнинг тўқиб чиқарилиши китобларда кўплаб учрайди. Ҳақиқатда эса, ахлоқий жиҳатларни бўрттириб кўрсатиш ҳақиқатдан чекинилади. Муккабиис номли икки китобнинг аҳволи эса, тамоман бошқача.